

ЎЗБЕКИСТОН АВТОМОБИЛЬ ВА ДАРЁ ТРАНСПОРТИ АГЕНТЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИНИНГ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМ МАРКАЗИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

**386** «Ўзбекистон Республикасида автотранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан шуғулланувчи ўқув юртларини битирган ҳайдовчиликка номзодларга бериладиган ягона намунадаги гувоҳномани бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил  
10 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1652-1*

*(2012 йил 20 августдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 31 декабрдаги 325-сон «Ўзбекистон Республикасида автотранспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини бериш, ҳайдовчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тартибини такомиллаштириш чоралари тўғрисида» 2006 йил 2 августдаги 156-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 19 августдаги ПҚ–1392-сон қарори) қарори»га (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 52-сон, 525-модда) мувофиқ Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълим маркази ва Ички ишлар вазирлиги **қарор қиладилар:**

1. Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълим маркази ва Ички ишлар вазирлигининг 2006 йил 27 декабрдаги 6, 48/ҚБ, 11-сон «Ўзбекистон Республикасида автотранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан шуғулланувчи ўқув юртларини битирган ҳайдовчиликка номзодларга бериладиган ягона намунадаги гувоҳномани бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (рўйхат рақами 1652, 2007 йил 9 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 1-2-сон, 18-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида дав-

лат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Ўзбекистон автомобиль ва дарё  
транспорти агентлигининг бошлиғи**

**А. АБДУВАЛИЕВ**

Тошкент ш.,  
2012 йил 23 июль,  
3-сон

**Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирининг биринчи ўринбосари,  
Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирлигининг Ўрта махсус,  
касб-хунар таълим  
маркази директори**

**Ж. ИСМАИЛОВ**

Тошкент ш.,  
2012 йил 23 июль,  
42/ққ-сон

**Ички ишлар вазири**

**Б. МАТЛЮБОВ**

Тошкент ш.,  
2012 йил 23 июль,  
25-сон

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти  
агентлиги, Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг  
Ўрта махсус, касб-хунар таълим маркази ва  
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар  
вазирлигининг 2012 йил 23 июлдаги 3,  
42/ққ, 25-сон қарорига  
ИЛОВА

**«Ўзбекистон Республикасида автотранспорт  
воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш  
билан шуғулланувчи ўқув юртларини битирган ҳайдовчиликка  
номзодларга бериладиган ягона намунадаги гувоҳномани бериш  
тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга  
ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**

1.Қарорда:

а) номида ва 1-банддаги «ўқув юртларини» деган сўзлар «таълим муас-  
сасаларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) муқаддима «автомототранспорт воситаларини» деган сўзлардан кейин «ва шаҳар электр транспорти воситаларини» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

2. Низомда:

а) номида ва 2-илова грифидаги «ўқув юртларини» деган сўзлар «таълим муассасаларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) муқаддима «автомототранспорт воситаларини» деган сўзлардан кейин «ва шаҳар электр транспорти воситаларини» деган сўзлар билан тўлдирилсин ва «ўқув юртларини» деган сўзлар «таълим муассасаларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

в) 1-банд «автомототранспорт воситалари» деган сўзлардан кейин «ва шаҳар электр транспорти воситаларини» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

г) 2-банддаги «ўқув юртларининг» ва «ўқув юрти» деган сўзлар тегишлича «таълим муассасаларининг» ва «таълим муассасаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

д) 3-банддаги «ўқув юртида» ва «ўқув юрти» деган сўзлар тегишлича «таълим муассасасида» ва «таълим муассасаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

е) 4 ва 7-бандлардаги «ўқув юрти» деган сўзлар «таълим муассасаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ж) 6-банддаги «ўқув юртларга» деган сўзлар «таълим муассасаларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

з) 8 ва 9-бандлардаги «ўқув юртининг» деган сўзлар «таълим муассасасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

и) 12-банддаги «ўқув юртининг» ва «Ўқув юртининг» деган сўзлар тегишлича «таълим муассасасининг» ва «Таълим муассасасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

к) 13-банддаги «ўқув юрти» ва «ўқув юртининг» деган сўзлар тегишлича «таълим муассасаси» ва «таълим муассасасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

л) 1-иловада:

грифидаги «ўқув юртларини» деган сўзлар «таълим муассасаларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«O'quv yurti(tashkiloti)ning nomi» ва «O'quv yurti» деган сўзлар тегишлича «Ta'lim muassasasi (tashkiloti)ning nomi» ва «Ta'lim muassasasi» деган сўзлар билан алмаштирилсин.